

АКМАЛҲОНОВ Акмалхон

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти в.б., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

“МИФТОҲУ-Л-УЛУМ” АСАРИДА СИНТАКТИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ БАЁНИ

THE ELUCIDATION OF SYNTACTIC CHANGES AND THEIR CAUSES IN “MIFTOHU-L- ULUM”

ВЫЯСНЕНИЕ СИНТАКСИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ И ИХ ПРИЧИН В ТРУДЕ “МИФТОХУ-Л-УЛУМ”

Аннотация: Ушбу мақола Саккокийнинг араб филологияси бўйича фундаментал асари — “Мифтоҳу-л-улул” (Илмлар Калити) даги синтактик ўзгаришлар ва уларнинг юзага келиш сабабларини назарий-амалий жиҳатдан чуқур ёритишга бағишланган. Тадқиқотда мазкур асарнинг наҳвга оид қисмидаги айрим грамматик қоидалар, хусусан, сўзларнинг келиши категориясидаги ўзгариш тартиби, алоҳида турлинига эга сўзлар ва сўз бирикмаси тузилишида юз берган нозик фарқлар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Мифтаҳу-л-улул, Саккокий, синтаксис, наҳв, синтактик ўзгаришлар, балогат, араб тили грамматикаси.

Annotation: Theoretical and Practical Elucidation of Syntactic Changes and Their Causes in the Treatise Miftahu-l-Ulum by Sakkaki. The treatise is significant as it perfectly systematized the sciences of not only balagha (rhetoric/eloquence) but also sharf (morphology) and nahw (syntax) in classical Arabic linguistics. The study analyzes specific grammatical rules within the syntax (nahw) section of the work, particularly the process of case inflectional variation in nouns, words with unique declension patterns, and the subtle differences occurring in the structure of phrasal constructions.

Keywords: Miftahu-l-ulum, Sakkaki, syntax, nahw, syntactic changes, balagha, arabic grammar.

Аннотация: Теоретическое и практическое освещение синтаксических изменений и их причин в трактате «Мифтаху-л-улул» Саккаки. Ценность

данного трактата заключается в том, что он блестяще систематизировал в классической арабской лингвистике науки не только о балаге (риторике/красноречии), но и о сарфе (морфологии) и нахве (синтаксисе). Исследование анализирует конкретные грамматические правила в разделе синтаксиса (нахв) работы, в частности, процесс изменения падежных окончаний существительных, слова с уникальными моделями склонения, а также тонкие различия, возникающие в структуре фразовых конструкций.

Ключевые слова: Мифтаху-л-улул, Саккаки, синтаксис, нахв, синтаксические изменения, балага, арабская грамматика.

КИРИШ

Араб тили грамматикаси тарихида ўз ўрнига эга бўлган, бугунги кунга қадар аҳамиятини йўқотмаган кўплаб нодир асарлар мавжуд. Бироқ, улар орасида Муҳаммад Абдулҳай Лакнавийнинг “аввалгиларда ҳам, кейингиларда ҳам бўлмаган асар” деган юксак таърифига муносиб кўрилган фундаментал манбаларнинг сони жуда кам [6: 231].

Айнан шундай ноёб ва бекиёс асарлардан бири бу — Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ас-Саккокий (ваф. 626/1229 й.) қаламига мансуб бўлган “Мифтоҳу-л-улул” (Илмлар калити) асаридир. Бу китоб муаллифнинг бутун илмий фаолиятининг гўзал гултожи ҳисобланади.

“Мифтоҳу-л-улул” шунчаки бир грамматик қўлланма эмас, балки араб тилига оид уч асосий илм:

1. Сарф (морфология)
2. Наҳв (синтаксис)
3. Маъоний, Баён ва Бадий (балоғат) каби илмларни қамраб олган [2: 25].

“Мифтаҳу-л-улул” мазкур соҳаларини ўзида мужассам этган мукаммал энциклопедиядир. Асарнинг асрлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмаслигига асосий сабаб унинг ана шу комплекс ва тизимли ёндашуви ҳисобланади. Саккокий ўз асарида мазкур илмларнинг чуқур назарий асосларини шундай аниқлик ва тартиб билан баён эта олганки, бу унинг кейинги авлод олимлари учун асосий таянч манбага айланишини таъминлаган.

Бир сўз билан айтганда, “Мифтоҳу-л-улул” — араб тили тилшуносликка оид илмларининг ривожланишида бурилиш нуқтаси бўлган, ўз номига мос равишда кўплаб илмий эшикларни

очган, ҳақиқатдан ҳам бекиёс фундаментал меросдир.

Таниқли немис шарқшуноси Карл Броккелман (Карл Броскелманн, 1868–1956) араб тили ва адабиёти тарихини ўрганишга улкан ҳисса қўшган. Айниқса, унинг монументал асари – “Араб адабиёти тарихи” (Geschichte der arabischen Litteratur, GAL). шарқшуносликда фундаментал манба ҳисобланади.

Броккелман араб тилшунослиги тараққиётига салмоқли улуш қўшган олимларни санаб ўтаркан, уларнинг илмий аҳамиятини юқори баҳолаган. У ўзининг илмий нуктаи назаридан, тилдаги нафислик ва грамматик қоидаларни тизимлаштиришда ўзига хос ўрин тутган олимларни ажратиб кўрсатган. Хусусан, Броккелман Замахшарий ижодига юқори баҳо бериб, уни бу соҳанинг йирик намояндаси деб билган. Унинг таъкидлашича, буюк тилшунос Махмуд Замахшарий (1075–1144) дан кейинги иккинчи муҳим ўринда, таҳлил ва назариётчилик бобида, Хоразмийларнинг издошларидан бўлган буюк мутафаккир Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Саккокий туради [5:171].

АСОСИЙ ҚИСМ

Саккокий асарнинг муқаддимасида унинг ёзилиш сабабини очиклаган. Унинг ёзишича:

“Замонамнинг фозил аҳллари, фазлни камолотга етказган зотлар мендан [бир мухтасар] асар ёзиб беришимни қатъийлик билан сўраганлари сабабли, мен уларнинг тўла хурсандчилик билан баҳраманд бўлишлари учун, ҳар бир закий (зукко) тушунадиган усулда таснифладим” [1: 16].

Бу маълумот асарнинг илмий жамоатчилиكنинг юқори талаби ва сўрови асосида яратилганини, шунингдек, унинг юқори илмий савияда, аммо тушуниш учун қулай тарзда ёзилганини кўрсатади. Муаллифнинг мақсади — балоғат ва грамматиканинг мураккаб жиҳатларини ҳатто теран фикрлайдиган толиби илмлар учун ҳам енгил ва аниқ етказиш бўлган.

Саккокий асарга ном беришдаги мақсадини қуйидагича изоҳлайди: “Бу асарда жуда яхши билиб олиш керак бўлган илмларни жамлаб, “Мифтоҳу-л-улум” العلوم مفتاح (Илмлар калити) деб номладим” [3: 27].

Асарнинг аҳамияти шундаки, у араб тилига оид кенг қамровли билимларни мужассам этган. Унинг асосий қиммати:

1. Ўн икки илмни қамраб олгани: “Мифтоҳу-л-улум” ўзида араб тили грамматикаси (сарф, наҳв), балоғатнинг турли жиҳатларини қамраб олган ўн иккита асосий илмни жамлаган.

2. Грамматиканинг қомуси: Асар араб тили грамматикасининг (наҳв ва сарф) барча қисмларини, шунингдек, балоғат илмлари (маъоний, баён ва бадиъ)ни чуқур ёритганлиги билан ўша даврдаги бошқа манбалардан яққол ажралиб туради ва мукаммал афзалликка эга.

3. Кейинги давр учун асос: “Мифтоҳу-л-улум” нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам балоғат ва араб тилшунослиги бўйича асосий дарслик ва методологик манба бўлиб хизмат қилган. Масалан, унинг балоғат қисми кейинчалик машҳур олимлар томонидан шарҳланган ва изоҳланган, бу эса асарнинг илмий меросдаги ўрнини янада мустаҳкамлаган.

Ушбу асар Саккокийнинг нафақат тилшунос, балки ўз замонасининг илмий эҳтиёжларини теран англаган, билимларни тизимлаштиришга қодир бўлган етук мутафаккир эканидан далолат беради.

“Мифтоҳу-л-улум” ўн икки илмни қамраб олганлиги билан мусулмон оламининг том маънодаги буюк кашфиётига айланди. Асар араб тили грамматикасининг барча илмларини қамраб олганлиги билан шу соҳадаги қолган манбалардан афзал ҳисобланади.

“Мифтоҳу-л-улум” асари олдингиларда ҳам кейинги даврларда ҳам такрорланмас асар эканлигининг яна бир исботи бошқа манбаларда учрамайдиган мавзуларни келтириш ва уларни мантиқий изчиллик усулида баён қилиниши ҳисобланади.

Асарнинг хотима қисмида ёзилишига доир муайян сабаблар келтирилса, Саккокий асарининг хотима қисмида синтактик жараёнларнинг сабабларини келтиради. Энг аҳамиятли жиҳати, ҳар бир сабабни алоҳида фасл остида келтириб, боғлиқ бўлган ном билан атаган. Фаслларнинг сони ўнта эканлигидан ўнта сабаб ёритилганини билиб олиш мумкин. Саккокий баён қилган синтактик жараён сабаблари қуйидагилар:

Биринчи фасл: ўзгармайдиган исмлардаги ўзгармасликнинг сабаби ҳақида (الفصل الأول في علة

(بناء ما بني من الأسماء). Бу фаслда Саккокий ўзгармас ҳолатлар тўртта бўлиши, улар қайси ҳолатларда, қайси туркумларда кузатилишини ва нима учун улар билан ўзгармас бўлишини ёритади [қаранг: 1: 566-576].

Иккинчи фасл: турланишдан ман қилинганларнинг ман қилиниш сабаби ва улар билан боғлиқликлар ҳақида (الفصل الثاني في علة). Бу фаслда икки келишикли сўзларнинг келишиқларда турланмаслиги танвин олмаганлиги сабабидан эканлиги баён қилинган. Шунингдек, мазкур фаслда икки келишикли сўзларнинг хусусиятлари батафсил ёритилган [қаранг: 1: 58a-59a].

Учинчи фасл: мудоф ҳолатидаги олтита исм эъробининг ҳарфлар билан бўлиш сабаби ҳақида (الفصل الثالث في علة إعراب الأسماء الستة بالحروف). Саккокий бу фаслда наҳвда машҳур бўлган синтактик ўзгариши ҳаракат билан бўлмай, муайян ҳарфлар билан бўладиган олти исм ҳақида баҳс қилган [қаранг: 1: 596]. Мазкур олти исм изофада музоф бўлганида ҳарфлар билан синтактик жиҳатдан ўзгариш сабаби араб тилида битта ҳарф сўз бўлишидан қайтарилгани деб айтган. Масалан: فم – (оғиз) сўзи мазкур синтактик жараёнда ف («фу») шаклида бўлиб қолади. Бундай ҳолат тилда кузатилиши ман қилинганлиги учун ҳам унга келишиқлар эътиборидан «vāv», «йā» ёки «алиф» бирикади. ف шаклида эмас, فا، في، فو، «fī», «fī», «fā») шаклларида бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи шахс бирикма олмоши бириккан юқоридаги сўзлар синтактик ўзгариши ҳарфлар билан бўлмайди, юқоридаги шаклларда бўлмаслиги сабаби сўз бир эмас, икки ҳарфдан иборат бўлгани учундир.

Саккокий асардаги қоидаларни ёритишда қисқа, лўнда баён қилиш усулини қўллаган. Бу усул асар қийматини янада оширади. Мана шундай қисқа баён усулига мазкур фаслнинг биринчи жумласини мисол келтириш мумкин. Бу фаслда Саккокий: «وهي إظهار الاجتناب بالألف: وهي إظهار اجتناب عن أن يقوي خلاف قياس فيها» (сўзма сўз таржимаси: у [сабаб] «алиф»дан четланиб, намоён қилиш қарашидир ва уни қиёс хилофида кучли бўлганига яқинлаштиришдир) [1: 596]. Бу сўзма-сўз таржимадан ўқувчи мазмунни тушиниб олиши учун анча тер тўқади. Бундай қисқа лекин маъноси кенг бўлган жумлалар асарда оз эмас. Бу жумладаги «алиф»дан

четланиш» деган бирикма сўзда бир ҳарф қолишига йўл қўймаслик маъносини беради. «Унга қиёсда хилофи кучли бўлгани» бирикмаси эса, бир ҳарфнинг ўзи сўзда қолмаслиги, камида сўз икки ҳарфдан иборат бўлишини ифода этади. Бу жумлада «алиф» сўзи ҳарф сифатида эмас, «бир» маъносида қўлланган.

Тўртинчи фасл: иккилик ва кўпликнинг эъробланиш сабаби ва улардаги ўзига хослик ҳақида (الفصل الرابع في علة إعراب المثني والمجموع على). Бу фаслда Саккокий иккилик ва тўғри кўплик қўшимчалар орқали ҳосил қилиниши, бу фақат исмларга хос эканлигини ёритади. Бундай ўзгариш бўлишининг сабаби ҳақида: «Қўшимча мад [чўзиқ унли] ҳарфларидан иборат бўлиб, унинг сўзларда жойлашуви энгил бўлади. Шунинг учун, тиллар бунга учиб ўтади, эшитувчилар унга боғланиб қолади. Характерлар бунга ўрганиб қолиб, жонлар бунга мойил бўлиб қолади. Эъробини [синтактик ўзгариш] билдирувчи мадлар ҳаракатланишдан ман қилинганлиги учун сақлаб қолингандир», деб айтган Саккокий [1: 60a].

Бешинчи фасл: كلا، كلتا - (иккови мз, мн) сўзларининг олмош билан бирикиши ва уларнинг эъробланиш сабаби ҳақида (الفصل الخامس في علة إعراب كلا وكلتا مضافين إلى ضمير على ما). Мазкур фаслда олим бу икки сўз ҳақида қарашларни келтириб, сўз шакли бирликда, маъноси «иккилик» эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, далил ўлароқ шоирлар байтларини келтирган. Саккокий улар таркибидаги «алиф» иккиликни ифодаловчи «алиф» эмаслигини ўзгармаслик сабаби сифатида баён қилган [қаранг: 1: 60b].

Олтинчи фасл: مسلمات - (муслмон аёллар) каби сўзларнинг эъробланиш сабаби ва ундаги ўзига хослик ҳақида (الفصل السادس في علة إعراب نحو ((مسلمات)) على ما هو عليه). Саккокий муаннас тўғри кўплик икки келишикли бўлишининг сабаби музаккарга эргашганлигидан деб айтган. Чунки, муаннаслик музаккардан ажралиб чиққандир. Аслга доим ажралиб чиққан бўлак эргашади [қаранг: 1: 61a].

Эттинчи фасл: ўзгарадиган феълларнинг эъробланиш сабаби ҳақида (الفصل السابع في علة إعراب ما أعرب من الأفعال). Мазкур фаслда Саккокий феълнинг шарт майлига тўхталиб, исм билан қиёслайди. Исмда бўлмаган жазм [шарт майли] ҳодисаси ва феълда бўлмаган жар [қаратқич

келишиги] ҳодисалари ҳақида баҳс қилган [қаранг: 1: 61a].

Саккизинчи фасл: ёрдамчи сўзлар [синтактик вазифа бажарадиган ҳарфлар] нинг вазифалари ва бунга боғлиқ ҳар хилликлар кайфияти ҳақида (الفصل الثامن في علة عمل الحروف) (العامة وكيفية اختلافها في ذلك). Саккокий исм, феъл туркумларидаги синтактик ўзгариш сабабларига тўхталиб бўлганидан кейин, учинчи туркум ҳарфдаги ҳодисаларни баён қилган. Саккокий мазкур фаслда исм ва феъл олдида келувчи ҳарфларни баён қилиб, уларнинг исм ва феъл туркумларида ўзгаришларга сабаб бўлиши ҳақида баҳс қилган. Исм олдида келувчиларни аввал, феъл олдида келувчи ҳарфларни кейин батафсил ёритган. Маъно англатиб, синтактик вазифа бажармайдиган исм («ал-» артикл ال) ва феъл олдида келувчи ҳарфлар (س، سوف) ни киёслаган [1: 62a].

Тўққизинчи фасл: жар бўлмаган исмларнинг [синтактик] вазифаси ва уларнинг ҳар хиллиги кайфияти ҳақида (الفصل التاسع في علة عمل الأسماء غير الجر وكيفية اختلافها). Мазкур фасл феълдан ясалган ҳаракат номи ва аниқ нисбат сифатдошининг бош ва тушум келишигида келиш сабабларини баён қилади. Саккокий аниқ нисбат сифатдоши гап таркибида эга вазифасида келганда рафъ [бош келишик] да, тарз ҳоли вазифасида келганда насб [тушум келишик] да келиши ҳақида баҳс қилган [қаранг: 4: 62].

Ўнинчи фасл: рафъ ҳозирги замон феъли, хабар ва мубтадо учун маъно жиҳатидан синтактик вазифа таминлашининг сабаби ҳақида (الفصل العاشر في علة عمل المعنى الرفع للمبتدأ) (والخبر والفعل المضارع). Бу фаслда исмий жумлада биринчи келган сўз гап бошида жойлашгани сабабидан рафъ [бош келишик] да келиши, кесим унга эргашганлиги сабабидан бош келишикда келганлиги айtilган бўлса, феълнинг ҳозирги замон шакли рафъ [хабар майли] да келиши исм ўрнида кела олиши сабабидан эканлиги таъкидланган [қаранг: 1: 63a].

ХУЛОСА

Саккокий чуқур илмий қарашлари асосида ўзидан олдинги олимлар асарларида кузатилмаган синтактик жараён сабабларини ўнта фаслда бирлаштирди. Биринчи фасл ва иккинчи фаслда араб тилидаги исм туркуми ситактик ўзгариш жиҳатидан икки

бўлиниш соҳанинг ҳар бир манбасида бор, лекин Саккокийдек нима учун ўзгариши ёки ўзгармаслигининг сабаблари баён қилинганини кузатиш қийин. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи фаслларда сўздан кейинг луғавий бирик саналувчи сўз бирикмасидаги энг кўп учрайдиган синтактик муносабатлар ва ўзгаришларнинг сабаблари батафсил таҳлил қилинади. Олдинчи фаслда луғавий шакл ясовчи қўшимчалардан энг кўп қўлланувчи кўплик категорияси ва ундаги ўзгариш ҳамда унинг сабаблари баён қилинди. Сўз, сўз бирикмасида мазкур категория сермахсул бўлгани сабабли ҳам олим бу сабабни тадқиқ қилган. Қолган фаслларда сўз туркумларининг энг каттаси ҳисобланувчи феълдаги синтактик ўзгаришларга тўхталди, ҳар бир фаслга мавзуга хос илмий танқидий мулоҳаза ва фикрларни ёритди. Мазкур ўнта фаслларнинг ҳар бирини оят, шеър байтлари билан далиллагани қанчалик чуқур илмга эга эканлигини исботи ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. Anqara Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Ҳк 192 рақам. – 244 в.
2. Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. Муҳаққиқ Наим Зарзур. – Байрут, 1983. – 621 б.
3. Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. Муҳаққиқ Абдуҳамид Ҳиндавий. – Байрут, 2000. – 828 б.
4. Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. Муҳаққиқ Ҳамди Муҳаммад Қобил. – Қоҳира, 2008. – 535 б.
5. Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Literatur. – Leipzig, 1909. – 265 p.
6. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳимату фи тарожими-л-Ҳанафия. – Қоҳира, Дар китоб исламий. – 263 б.